

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 131 (6. 022) • 1986 йил 7 июнь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 5 июнь кунин билиб ўтган мажлисида Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишларнинг бориши ҳамда шу ишларни қучайтириш юзасидан бундан буён амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида ҳукумат комиссиясининг ахбороти тинглади. Электр станция майдонида ва унинг атрофидаги территорияни, бинолар ва иншоотларни дезактивация қилиш, сув ҳавоаларини булғанишдан сақлаш ишлари интенсив олиб борилаётганини қайт этиб ўтилди. Радиация даражаси мутасил пасайиб бормоқда.

Сиёсий бюро АЭСнинг туртинчи энергоблоки объектларини консервация қилиш борисид ҳукумат комиссиясини ишлаб чиққан чора-тадбирларга ва уларни ўтказиш муддатларига қўйилди. СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий жиҳатдан таъминлаш шарт-шароитларини янада тақомиллаштиришга доир тақлифлари маъқулланди. Министрликлар ва идораларнинг, маҳаллий партия ва совет органларининг авария районида масъул бўлган ваъдаларини бажаришга, ишчилар, мухассислар, ҳарбий хизматчилар тўғрисида бундан буён ҳам алоҳида ғамхўрлик қилишдан иборат вазифаси таъйинланди.

Хатлари эоналардан қўйрилган аҳолини ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш ва уларга социал-маиший хизматини яхшилашга қаратилган тадбирлар тасвирланди. Шу маъсадда бу аҳолини ишга жойлаштиришнинг июнь ойида тугаллаш ҳамда қўйрилган онлавлар пинам уй-жой бериш билан боғлиқ барча масалаларни октябрь ойидан кечикмай

ҳал қилиш кўзда тутилган. Сиёсий бюро бу йил ўрним-йўғим ишларининг, дон ва ем-хашак тайёрлашнинг ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишини таъминлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисда қайт этиб ўтилганидек, ҳўжалик юртиш янги шароитларида қолхоз ва совхозлар, агро-ноат бирлашмалари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини мумкин қадар кўпроқ етиштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлаш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Ҳозир деҳқонларнинг энг долзарб палласи бошланмоқда. Етиштирилган ҳўсли-нинг ҳаммасини ўз вақтида ва ноубудгарчиликка иложи борича йўл қўймай, йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш учун ўрним-йўғим кампаниясига пухта тайёргарлик қилиш, ўрним-йўғимнинг биринчи кундан оқ агроноат ишлаб чиқаришининг барча бўғинларини фол ишга жалб этиш мумкин. Партия комитетлари, совет ва ҳўжалик органлари ўтказайтган ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишнинг тасвирланди, аввало, айни мана шу билан белгиланди. Сиёсий бюро мажмууд моддий-техника воситалари ва резервларини батамом сафарбар этиб, меҳнат коллективларида белгиланган топшириқларни бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб бориш, келгуси чорва қишлоқ ишчилик ширини ет-хашак базисини унжунда келтириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш, келаси йил мўл ҳўсли учун яхши замин ҳўзирлаш зарурлигини таъкидлади.

Сиёсий бюро бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бажариш учун масъулиятини ошириш чоралари тўғриси-

даги масалани муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарори план ва шартнома интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат коллективларининг бир маромда ишлаш шароитларини, халқ ҳўжалигининг узлуксиз моддий-техника таъминотини яхшилашга қаратилган. Шу маъсадда 1987 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ва таъминот планларини тузиш тартибига ўзгаришлар киритилди, ҳўжалик шартномаларини тузиш ва ижро этиш чоғида истеъмолчиларнинг ҳўқуқлари кенгайтирилди, меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришга мажбуриятлари қатъий бажарилиши учун уларнинг манфаатдорлиги ва масъулияти қучайтирилди.


КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ишларни ҳарбий хизматга тайёрлаш янада яхшилашга қаратилган қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан партия, совет, касаба союз, комсомол органлари, тегишли министрлик ва идораларга ишларнинг хизматга қабул қилинган таъйинларини қучайтириш, уларнинг жиёмоний чиқишини қучайтириш, даволаш-соғломлаш ишларини тақомиллаштириш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг авж олдириш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш топширилди. Белгиланган тадбирларни амалга оширишдан кузатишга вазифа СССР Куролли Кучларини социалистик Ватанини, совет кишиларининг тинч меҳнатини ҳимоя қилиш юзасидан ўз бурчини муносиб адо этишига тайёр бўлган ишлар билан тўлдириши таъминлашдан иборат.

Сиёсий бюро дипломатия ходимларининг СССР Ташқи

ишлар министрлигида ўтказилган кенгаши якунларини кўриб чиқди. Кенгашида ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлаган эди. Ана шу кенгашида дипломатия корпусининг КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган стратегия йўли амалга ошириш борисид таърифлаб берилган конкрет вазифалари СССР Ташқи ишлар министрлигининг, халқаро майдонда Совет давлати тинчликсевар йўлини амалда рўбга чиқаришда бевосита қатнашган барча муассасаларнинг фаолиятига асос қилиб олиниш кераклиги қучайтирилди. Ушбу муассасаларнинг чет мамлакатлар билан Совет Иттифоқининг сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги юксак самарадорлигини таъминлаш борисидан иш услуби ва методларини изчи-ланиш билан тақомиллаштириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев ва Э. А. Шеварднадзе ўртоқларининг Япония ташқи ишлар министри С. Абэ билан ўтказган музокара-лари ва суҳбатларига якун ясади. Бунда Совет — Япо-ния муносабатларини мўтасид ривожлантиришдан ҳар иккала томоннинг манфаатдорлиги қучиб ўтди, ик-кала мамлакат халқларининг манфаатлари, Осиё-Тинч океан регионда хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўлаб мулоқотга, кўпроқ ҳамжиҳатликка эришиш ва баҳамжиҳат ҳаракат йўлларини биргаликда излашга тайёр эканлик изҳор қилин-ди. Музокарада Японияни, айниқса, қизитирувчи ўзига хос масалаларга ёндашишда бир-бирига яқин жиҳатларини топиш, савдо-иқтисодий, ил-мий-техникавий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида ахдилашув олиш имконини берди. Шу билан бирга Совет Иттифоқи Япо-

Замондошимиз



Биз Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводи йигув цехининг бошлиғи В. Болелый билан учрашганимизда у илгорлар қаторида биринчи бўлиб Суинат Абдуғаниевнинг номини тилга олди. Биз ҳали Суинат билан учрашмасимиздан олдинки унинг таърифини тўла эшитдик.

У ўн уч йилдан буён шу корхонада ишлаб келаятган экан. Ўз устида кунт билиш ишлаш натижасида ҳозир йўзғарди радиоэлектроник бўлиб етишди. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлган.

Цех ва корхона коммунистлари унга катта ишонч билдиришди. Ҳалол ва самарали меҳ-нати, домло ҳамкасбларига ўрнак бўлиш, бе-рилган топшириқларни сидқидилдан адо этиши

туфайли уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишди.

Суинатнинг яна бир ажойиб фазилати бор. У завод спорт комитетининг раисидир. «Пром-связь» заводи футбол командасининг етакчи-сидир. Фақат ишлаб чиқаришдагина эмас, футбол соҳасида ҳам у эришган ютуқлар чаким бўлмапти. Область бўйича ўтказилган мусобақаларда унинг командаси етакчи ўрни-ни эгаллади. Бугина эмас, С. Абдуғаниев иш-дан ташқари вақтларда кўнгилли халқ дружи-наси ишига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқ-да. Агар шу айтганларнинг ҳаммасини жамла-сак, уни биргина сўз билан ўз ишининг жон-куяри деб аташ мумкин.

Т. Каримов фотоси.

Мукофотлар топширилди

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва соци-алистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффа-қиятлари учун Ўзбекистон-даги ишлаб чиқариш илгор-ларидан катта бир гуруппаси юксак давлат мукофотлари сазовор бўлди. 6 июнь кунин Тошкент поблабазл иш-лаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбе-кистон Компартияси 50 йил-лиги номидаги тикувчилик

ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси кол-лективларида мукофотланган кишиларга тантанали вази-ятда СССРнинг орден ва медаллари топширилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбе-кистон Компартияси 50 йил-лиги номидаги бирлашма-ишчиси Г. Ф. Закритяни ишдаги ўртоқлари сидқи-

дилдан муборакбод этдилар. Унга Ватанининг олий муко-фоти — Ленин ордени топ-ширилди.

Мукофотларни Ўзбеки-стон ССР Министрлар Све-ти раисининг биринчи ўри-босари В. К. Михалов, Тошкент шаҳар партия ко-митетининг биринчи секре-тари В. Ф. Сатин, республи-ка Министрлар Совети раис-ининг ўринбосарлари В. И. Огаров, С. У. Султонова топширдилар.

Ёш режиссёрнинг муваффақияти

Кейинги йилларда Москва-даги Бутуниттifoқ давлат ки-нематография институтини бир гуруппа ўзбекистонлик ёш истеъмолдор ҳам муваффақ-иятли тамомладилар. Умидли ёш сеньатор Ф. Зайнутдинов ҳам ама шундай истисқоб эга-ларидан биридир. «Ўзбек-фильм» студияси ижодий кол-лективига келиб қўйилган ре-жиссёр ўзининг дастлабки йи-рик бадий фильми сифатида «Орзулар оғушида» деб ном-ланган картинасини, қисқа ме-тражи «Қўлоқ сол» лентасини яратди.

Ёш кинематографиянинг бу ҳар иккала фильми Тошкент-даги Кино уйда яқинда уюш-тирилган ижодий кеңашда му-ваффақиятли намойиш қилин-ди.



Мексикада ўтказилган футбол бўйича XIII жаҳон чемпионатида иккинчи давранинг навбат-даги уч учрашув бўлди.

Ирапугатода учинчи гуруппа вакиллари — Венгрия ва Кана-да терма командалари ўртаси-даги учрашув 2:0 ҳисобида вен-грияликлар фойдасига тугади.

Гвадалахарада туртинчи гуруппанинг Бразилия ва Жа-зир терма командалари учра-шишди. Уч қарра жаҳон че-мпонлари 1:0 ҳисобида галаба қозонди.

Монтеррейда ўтган Марокаш ва Англия терма командалари учрашувда ҳисоб очилмади.

Монтеррейда ўтган Марокаш ва Англия терма командалари учрашувда ҳисоб очилмади.

Монтеррейда ўтган Марокаш ва Англия терма командалари учрашувда ҳисоб очилмади.

Монтеррейда ўтган Марокаш ва Англия терма командалари учрашувда ҳисоб очилмади.

Қардошлик қонунига бинаан Бузилмас дўстлик ифодаси

Тошкент шаҳар давлат архиви фондига ўзбек ва украин халқларининг дўстлигини акс эттирувчи кўпба-н ноб ҳўжжа-лар сақланган. Олимлар, тарихчилар, му-тахассислар бу материаллардан мўтаазам умул-ий фойдаланадилар. Архивда таёйрланган «Украин ва ўзбек халқларининг дўстлиги тарихи-дан» [1941—1945 йиллар] ва «СССР халқлари — Тошкентга» деган ном остида нашр этилган ҳўжжатлар тўпламлари бу-нинг ёркин далилидир.

Ўзбекистон ССР давлат архиви ходимларининг бўлиб ўтган йилигида халқларимиз дўстлиги алоқалари бузилмас экан-лиги ҳақида таъкидлади. Бундан ташқари йилиги қатнашчилар-и ўзларининг меҳнат қилиб топган пулларидан 982 сўмини Чернобыль атом электростанцияси фондига ўтказмак-ларини изҳор қилдилар.

Жабранганлар тақдирини ҳақида ўйлаш ҳаммакининг бур-чимидир. В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари ана шундай фикрини изҳор этдилар.

Тошкентда юз берган зилзила оқибатларини бартараф этишда қардош украинлик биродарларимизнинг кўрсатган беғарас ёрдамини яхши биламиз, — дейди митингда сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши қатнашчиси М. Нурмухамедов. Фарзандларимизнинг Украина, Қрим ва Кавказдаги пионер лагерларида мароқли дам олишлари учун барча имконият-лар яратиб берилганди. Айни пайтда Чернобылдаги табиий офат оқибатларини тезроқ тугатиш учун ўзбек халқи ҳам ёрдам беришда катта ҳиммат кўрсатмоқда. Сарой педагоги-ка коллективини бир минг йилгига сўмлик маблагини черно-быллик болаларга ёрдам тариқасида қўришга қарор қилди.

Пойтахтдаги 35, 100, 102-маҳсуз мактаб интернати педаго-гика коллективлари ҳам бир фондига иш ҳақини чернобыллик меҳнаткашлар учун ёрдам қилишга ўтказиш истатини бил-дирилди. Ташаббус бир овоздан эълон қилинган бўлиб қўлаб-қувватланди. Жами 2789 сўм Чернобыль фалокати оқибатини бартараф этиш учун 904-сўмга ўтказилди.

Н. ТОЖИЕВА.

Қалб даъвати

Турғунмурод Холмуродов ҳар кун киноскадан газета со-тиб олар, дарҳол Чернобыль воқеаларига оид материалларни ўқиради. Авария оқибатларини бартараф этишда фидокор-лик кўрсатаётган кишиларнинг жасоратига қўйил қоларди. Бу ерда алоҳида гуруппа, одамлар эмас, балки бутун совет халқи жасорат кўрсатаётгандек туюларди назарида. Демак, бу ишдан четда туриш инсофдан эмас. Иштирок этиш, ҳеч бўлмаганда моддий ёрдам бериш керак! Қалбнинг тўридан отилиб чиққан бу даъватини изҳор этишининг ўрни келиб қолди.

Бўлим комсомолларининг умумий йиғилишида биринчи бўлиб сўз олди.

— Чернобылда юз берган фалокатини тугатишда бутун мамлакат қатнашяпти дейиш мумкин. Шундай экан, биз ҳам воқеага муносабатимизни билдиришимиз керак. Мен бир ойлик маошимнинг ярминини 904-сўмга ўтказман.

— Мен ҳам ярим ойлик маошимни Чернобыль фондига ўтказман, — дея унинг фикрини маъқуллади Жўрабой Жу-манов.

Н. Мингбоев, А. Аҳмедов, Н. Боймахонов, Ф. Довонолар ҳам тақлифга қўшилишди. Ҳамма районидаги 21-ўрта мактаб коллективининг тавсияси билан амалиячи ишга ўтган Т. Хол-муродовнинг дилдан гап кўчилишининг натижаси мос туш-ди. Ҳамма район ички ишлар бўлимининг барча ходимлари бир кучли иш ҳақини Чернобыль фондига ўтказишга қарор қилишди. Май ойида бўлим ходимларининг 4 минг сўмга ақин маоши 904-сўмга ўтказилди.

Т. ЗОКИРОВ.

Жадаллаштириш ва сифат — беш йиллик шиори

Курилиш майдонларида

Мусобақани авж олдириб

«Тез ва соз, сифатли кура-миз», «Главлташкентстрой-нинг 159-трестига қарашли 8-курлиш бошқармасининг Х. Жўрабоев бошчилиги қилётган комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ана шундай шир остида ишлаш-моқда.

Бригадада 25 киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси бир неча касбларни ўзлаштириб олишган. Ҳар бир курувчи, гишт терувчи, пайвандловчи,

бетончи, дурадгор ва сувоқ-чилик касбларида ишлай ола-ди. Бу эса ўз навбатида иш вақтинчи боҳудга ўтказмаслик ва ундан умумий фойдаланиш-да қўл келмоқда.

Коллектив шу кунларда Луначарский шоссесиде бунёд қилинишида иштирок этмоқда. Бригада пудрати методи асо-сида ишлаётган бунёдкорлар беш ойлик планни мўддатидан бир ҳафта илгари бажаришди. Бригадининг А. Исмоилов, Р.

Низомитдинов, Н. Карпенко сингари курувчилари кунлик смена топшириқларини 15-20 процентга ошириб адо этмоқ-далар.

Шу кунларда бунёдкорлар ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили план топшириқ-ларини мўддатидан илгари бажариш учун Улуғ Октябр-нинг 69 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусо-бақани тобора авж олдириб ишламоқдалар.

Чиқиндисиз технология

Ўзбекистон ССР кури-лиш материаллари саноати министрлигига қарашли «Си-ликат» илмий ишлаб чиқа-риш бирлашмасининг янги курилиш материаллари бу-лимида цемент корхоналари-да чиқиндилардан оқилона фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилди.

Бу технология бўйича бе-тон қоршималарини тайёр-лаш учун сунъий қўшимча модда — «гранулит» тайёр-ланадиган бўлди. Бундай янги таркибли сифатли бе-тон девор блоклари, ўтга чидамли бетонлар, курилиш ва металлургия сингари са-ноат корхоналарида қайноқ

цехларнинг иссиқлик агре-гатларини мустаҳкамлашда қўл келади.

«Гранулит» бетоннинг пи-шиқлигини 2,5 марта оши-ради ва керамзит тошларга нисбатан жуда ҳам арзон. Янгилигини таъкид этишдан бир куб метр бетон тайёр-лашда 23 сўм тежаб қоли-нади.



Янги маҳсулот

«Малика» трикотаж иш-лаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Шунинг ҳисобга олган корхона тикувчилари маҳсулот сифа-тини яхшилаш билан бирга унинг турларини ҳам кўпай-тирмоқдалар. Яқинда бир-лашмада яна бир янги буюм ишлаб чиқариш йўлга қў-йилди. Бу республикамиз курилиш отрядларида иш-лайдиган студентлар учун мўлжалланган бежирим кўй-лақдир. Футболка шаклида тикилган бу кўйлақ оқ мато-дан тайёрланди. Унинг ен-ги ва ёқаси йўқ. Бу эса жазирама иссиқ кунларда уни киийиш ва ечиш учун қулайлик туғдиради.

Кўйлақнинг чап кўкрак чўнтагига республика бай-роғи шакли туширилган бўлиб, унга «Ўзбекистон» студент курилиш отряди деган сўзлар ёзиб қўйилган. Янги маҳсулотни корхона-нинг Зоя Кудряшова бош бўлган комсомол ишлар бри-гадасининг қўли гул чева-рлари тикишмоқда. Улар томонидан ҳозирча ана шу кўйлақдан 15 минг донна тикиб тайёрланди. Бригада-нинг Г. Убайдуллаева, Г. Азимова, Г. Ҳикматова сингари пешақдам тикувчи-лари томонидан тайёрлана-ётган бу кўйлақлар пишиқ ва пухталиги билан ажрало- туради.

«Лиана» газламаси

Тошкент тўқимачилик комбинатида харидордир «лиана» кўйлақлик газлама-сини ишлаб чиқариш ўзлаш-тирилди. Бу янги газламанн тўқиб чиқаришга тайёргар-лик даврида Москва ва Бол-

тиқ бўйи тўқимачилари катта ёрдам бердилар. Республи-кадаги тикув корхоналарига ҳозирнинг ўзидаёқ йиғирма минг метр «лиана» газлама-си жўнатилди.




Тошкентга одатдан ташқари юк —Қирғизистонда курилайтган Тошкуним ГЭСи турбинаси учун вазни 80 тоннага тенг иш-чи гилдираги келтирилгани ҳа-қида илгари хабар қилинган эди.

Харьковлик машинасозлар ушбу гилдиракни ахлит металл-дан тайёрладилар. Бу гидро-курувчиларга монтаж ишлари мўддатини қарийб 4 ойда қис-қартириш имконини беради. Нодир транспорт операцияси-ни оғир юк кўтарувчи «АН-124» самолётининг экипажи бажар-ди.

Энди турбинанинг ишчи гил-дираги Тошкуним ГЭСигача бўлган йўлни трайлерда босиб ўтади.

СУРАТЛАРДА: Киев механи-ка заводининг мутахассислари 80 тонна оғирлидаги турбина ишчи гилдирагини тушириш бўйича нодир операцияни бажаришмоқда; тушириб олиш пайи.



Р. Шагеев фотолари, [ЎЗАТ фотохроникаси].

КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик ва жадаллаштириш



Халқ учун кўплаб истеъмол буюмлари ишлаб чиқарайлик

Эртага — Енгил саноат ходимлари кўни



Мухайе Жалолова Енгил саноат ходимлари кўни байрамини меҳнатда самарали ютуқларни кўлга киритган ҳолда кўтиб олмоқда. Вактдан ўзиб ишлаган бу тикувчи кўнлик нормасини ҳамisha 140—150 процентга етказиб адо этмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори

деган шарафли номга эга бўлган тикувчининг «Чевар» тикувчилиги ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келганига 15 йилдан ошиб кетди. СУРАТДА: илгор тикувчи Мухайе Жалолова.

Э. Зоҳидов фотоси.

Шу беш йилликда истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг, чакана товар оборотининг янада юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, савдони ва умумий овқатланишни ташкил этишни анча яхшилаш лозим бўлади. Оғир саноат тармоқлари олдида ҳамма корхоналарини саноат товарлари ишлаб чиқаришга жалб этиш, енгил ва озиқ-овқат саноати учун юқори сифатли материаллар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни таъминлаш вазифаси қўйилган.

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладидан).

Аҳиллик самараси

Мазкур цехни йигирив ишлаб чиқаришнинг дошқозон десак, таъбир жоиз бўлса керак. Негини бу ерда барча технологик жараёнлардан ўтган маҳсулот тандага айланади. Бу тандалар калавалаш-тандавалаш цехига, сўнгра эса, тўқув цехларига йўл олади. Шунинг учун ҳам коллектив масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда иш юритади. Сифатли газлама тўқиш учун сифатли ариқфабрикни кераклигини улар яхши билишади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга ҳаракат қилишади.

Коллектив меҳнат кўрсаткичлари билан қизиқдик. Цехда меҳнат кўтаринкилиги авжида. Гўриллаб ишлаган улкан йигирив машиналари қошида меҳнат қилаётган ишчилар билан танишдик. Цех коллективининг кўпчилигини ташкил этувчи ёшлар алоҳида ғайрат билан ишламоқда.

Барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларни кўлга киритаямиз, — дейди цех бошлиғи Абдуқадир Абдуллаев. — Бунга коллективнинг сидқидил меҳнати, ишга масъулият билан ёндошиши тўғрисида эришилмоқда. Биринчи квартал план-топширғини 108 процентга адо этган коллективимиз планга қўшимча равишда 55,5 тонна юқори сифатли маҳсулот ишлаб топширишга муваффақ бўлди. Квартал мобайнида цех бўйича меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи 115 процентни, ускуналар унумдорлиги кўрсаткичи эса 103 процентни ташкил этди.

Ҳа, дарҳақиқат, янги ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили коллектив учун муваффақиятли бўлди. Йил бошидан бери эришилган натижалар ҳам шундан далолат беради. Апрель ойида эса, таъдид йигирив цехи коллектив оилли топширғини 111 процентни бажарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, цех ишчиларининг кўпчилиги юқори заҳиқларда, нормадан ортиқ машиналарга хизмат кўрсатишади. Цехда ўзининг кўп йиллик ишлаб чиқариш тажрибасини ёшларга бекам-қўст ўр

таъиб келатган меҳнат ветеранлари ҳам кўплаб топилди. Жумладан, йигирма йилдан ортиқ мазкур коллективда тер тукиб келатган маҳоратли йигирувчи Татьяна Злобина ва Фарид Шамсутдиновалар цехнинг сергайрат ёшлари Дилбар Абдуллаева, Дилбар Турсунова, Гулбаҳор Бейсенова ва Анора Қўлмақоваларга маҳорат сирларидан дарс беришган. Эндиликда бу қизларнинг ўзлари ҳам мустакил равишда йигирив машиналарини 9—10 томонига хизмат кўрсатишмоқда. Ойлик ва кўнлик план топширғинларини мунтазам равишда 110—115 процентга етказиб бажаришмоқда.

Коллективимиз эришаётган ютуқларнинг яна бир сирини — ўзаро ҳамжиҳатликда, — дея давом этади цех бошлиғи. — Коллектив меҳнати ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик асосида ташкил этилган. Биз икки-уч йилдирки меҳнатнинг янги, самарали усули—бригада пудрати асосида ишламоқдамиз. Бу ҳам ўз ўрнида эришилаётган меҳнат муваффақиятларимизда асосий омил бўлмоқда. Эндиликда янги иқтисодий шароитларда ишни қайта ташкил этишни, мавжуд резерв ва имкониятларни тўла ишга солишни мўлжаллаяёмиз.

Шуниси қувончлики, янги беш йилликнинг биринчи йилида коллектив ишчилари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришмоқда. Цехда ҳар ой мунтазам маҳсулот сифати кўрсаткичи 99,5—99,8 процентларга адо этилади. Шунингдек, коллективда меҳнат унумдорлиги ҳам ҳамisha юқори. Унумдорлик бор жойда эса, меҳнат заҳиқ, натижалар эса юксак бўлади.

Биз Тошкент тўқимачилик комбинати биринчи йигирив фабрикасининг таъдид йигирив цехи коллективининг яратувчанлиги йўлидаги зарбдорона меҳнатлари улкан ютуқлар тилаймиз ва уларни эртага бўладиган Енгил саноат ходимлари кўни байрами билан чин қалбдан қўтаймиз.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

Коллективнинг ибратли ишлари

Енгил саноат ходимлари кўни байрамини шаҳримиздаги барча корхоналар қатори «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам меҳнатда муносиб ютуқларни кўлга киритган ҳолда қўтиб олмоқда.

Ўтган йили самарали натижаларга эришган коллектив ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Корхона ишчилари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишлаш-япти. Шунга қўра коллектив бу беш йилликда икки трикотаж ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,7 бараварга кўпайтириш ва пландан ташқари 5,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўн иккинчи беш йилликда корхона янги техника билан қайта қўролланди. 1766 та янги машина ва ускуналар жорий қилинди. Эски механизмлар яниси билан алмаштирилади. Мавжуд бўлган 72 та техника модернизация қилинди. 60 та тўқув машиналари ишга туширилади. Тежамкорлик режимини қўлайтириш, қўчқисиз технологияни жорий этиш ҳисобига 60 минг сўмлик хом ашё ва 30 минг киловатт-соат электр энергия тежалди.


Шу йилнинг охирига бориб, янги икки қаватли бўяш-оҳарлаш корпуси фойдаланишга топширилади. У Корхона заводида яратилган янги юксак унумли машиналар билан тўла ускуналанди. Натижада меҳнат унумдорлиги уч бараварга ортиди. Сув сарфи эса 5—6 ҳисса қисқарди. Реконструкция ва техник қайта ускуналалаш беш йиллик охирига бориб, меҳнатнинг механизация даражасини 80 процентга етказиш имконини беради.

Коллектив байрам арафасида меҳнатда катта ютуқларни кўлга киритди. Корхона аҳли юксак натижаларга эришгани, техника тараққийидаги кенг эътибор бериб, ундан унумли фойдаланганини учун яқинда республика енгил саноат министрлиги ва тармоқ қасба союзулари республика комитетининг мукофотини олишга сазовор бўлди.

Уқув йилининг тамомлавишига санокли кўнлар қолди. Кўп ўтмай навбатдаги меҳнат сеестри бошланади. Турли қурилиш отрядларига бйрлашган студентлар республикамиз бўйлаб жўнаб кетишади. Ҳўш, бу йил қурилиш отряди аъзоларининг кийим қандай бўлади! Бу саволга диққат-эътиборни қаратган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив қурилиш отряди аъзолари учун янги нусхадаги кўнлар тикишни ўзлаштирди.

СУРАТЛАРДА: янги нусхадаги кўнлар ва уни тикишда актив қатнашаётган Нодира Нурмухамедовани кўриб туриб-сиз.

Х. Мирзакаримов фотолари.



ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

Газетхонларнинг саволларига жавоб берамиз

Улуғ Ватан уруши инвалидига вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлган ҳолларда қанча миқдорда ва қанча вақт учун нафақа тўланади?

Д. Исмолов.

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан уруши инвалидларига ва уруш қатнашчиларига катта ғамхўрликлар кўрсатапти. Редакцияга улардан кўплаб миннатдорчилик хатлари келиб турибди. Улуғ Ватан урушининг меҳнат қилаётган инвалидига умумий касаллик чоғида тўланадиган нафақа сурункасига тўрт ойдан ошмаслиги ҳамда календар бйлида эса беш ойдан ошиб кетмаслиги керак. Узлуксиз меҳнат стажидан

қатъий назар уларга юз процент миқдориде иш ҳақи тўланади.

Агар Улуғ Ватан урушининг меҳнат қилаётган инвалиди вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, бу иш билан ёки касб касаллиги натижасида содир бўлса нафақа мuddа-ти чекланмаган муҳлатгача, яъни то унга соғайиб кетгунча ёки янги касаллик муносабати билан инвалид-эка группаси қайта кўриб чиқилгунгача нафақа берилади.

Мен Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳа инвалидиман. Доимий қаровчиға муҳтожман, шу сабабли менга қўшимча қараб туради, ҳолбуки у меннинг онла аъзоим эмас. Айтингчи, менга амалда қараб парваришлайётган қўшимчининг менга сарфлаган вақти унинг умумий меҳнат стажига қирадимми ёки йўқми?

М. Обидов.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1984 йил 26 июлда қабул этган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари—моддий-маиший шароитларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари учун беқиёс ғамхўрлик кўрсатилаяпти.

Ана шунга мувофиқ ҳарбий хизматчилар орасида СССРни мудофаа қилиш чоғида ярадор, қонтузиға бўлган ёки хизмат билан боғлиқ ҳамда ҳарбий хизматдаги бошқа бурчлар билан бажариш чоғида ёнқи фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар оқибатида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар орасидаги I гуруҳа инвалидларига қараб турган шахсларнинг унга сарфлаган вақти

унинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади (у инвалид оиласининг аъзосими ёки йўқми, бундан қатъий назар). Шунинг учун сизга амалда қараб турган қўшимчингиз жуда ҳайрли иш қилапти. Улуғ Ватан урушида фидоикорлик кўрсатган, бунинг натижасида касалликка чалинган сиздек фидойи Улуғ Ватан урушининг I гуруҳа инвалиди солиғидан доимо ҳабардор бўлиб турган олийҳиммат қўшинингизнинг сиз учун сарфланётган вақти унинг умумий меҳнат стажига қўшилади.

М. ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳар гражданик ишлари бўйича юридик консултация мудири.

Т. ШАРИПОВ,
Собир Раҳимов район юридик консултацияси мудири.



ДУНИ ХАВАРЛАРИ
ТАСС ВА АПИ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Қуролланиш пойгасига чек қўйилсин!

● АМЕРИКА раҳбарлари ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиб турган шартномалар системасини барбод қилиш ишида ҳаддан ташқари хатарли зора кўрди. Бирок Вашингтон бошқаруви хавфсизлигини таҳдид қилиш остида қолдириш эвазига ўзи учун ҳарбий ускуналарга эришиб олишдек хом ҳаёлга асло берилмаслиги керак. Совет ҳукумати-нинг байноҳини ҳамон шарҳлаётган турли мамла-кат сиёсат ва давлат арбобларининг байноҳлариде, оммавий ахборот воситаларининг саҳифаларида бо-силаетган мақола ва хабарларда шу фикр таъкид-ланмоқда.

● ЧЕХОСЛОВАКИЯ.

АҚШ маъмурияти қўйган қадамнинг бирдан бир оқи-бати ҳарбий муҳолифликни кучайтиришдан ва ҳалқаро-вазиятни ёмонлаштиришдан-гина иборат бўлиши мум-кин, деб ёзади «Руде Пра-во» газетаси ўзининг бош мақоласида. Оқ уйнинг қар-орини ҳеч қандай вақтлар билан оқлаб бўлмайди. Бу қарор — ҳалқаро турмуш-нинг энг муҳим нормаларини хавфга солишга тўғра-ди. Гуё Вашингтон қўрол-ар-лар устидан контроль ўрна-тиш проблемаларини ҳусусида Совет Иттифоқи билан ҳа-қиқатан ҳам жиддий муно-

қот ўтказмоқчи, деб даъво қилаётган америкалик сиё-сатчиларнинг гапларига ишониш тобора қийинлашиб бормоқда. АҚШ СССРдан ҳарбий устуликка бундан буён ҳам интилавериш ния-тидадир. Бундай уринишлар эса ўз-ўзидан мутлақо и-стиқболсиз бўлиб, тинчликка таҳликали хавф солади. Яд-ровий ажал йўлига ўтиб бўл-мас тўсиқ қўйиш, Оқ уйни космосни ҳарбийлаштириш тарадудидан, ядро қуроли-ни қайта-қайта сынаб қў-ришлардан, мавжуд ахдно-маларни қўпорилшдан воз ке-чишга мажбур қилиш учун тинчликсевар кучларнинг гайрат-ҳаракатларини икки — уч ҳисса ошириш зарур.

● ГДР

Вашингтоннинг ССҚЧ-2 шартномаси ҳусусидаги нуқтан назарини «В-Бер-линер Цайтунг» газетасини «бе-нихон хатарли қадам» деб таърифлайди. АҚШ ҳукума-тининг бу иши, деб ёзади газета, Америка ташқи сиё-сат йўлининг моҳиятини яна бир бор жуда очиқ-раравшан қилиб қўйди, унинг йў-ли қуролланиш пойгасини кучайтиришга, космик с-фазо-ни ҳарбийлаштиришга, ҳалқ-аро кескинлини баттагар кучайтиришга қаратилган.

● АҚШ.

«Бостон Глоб» газетаси АҚШ президентининг ССҚЧ-2 Совет — Америка шартнома-сидан бош тортиш тўғриси-даги қарорини, шағархлаб, «Вашингтон маъмурияти ўзини қурол-ароғлар усти-дан контроль ўрнатилишини душмани эканини баъарла-эълон қилди», деб таъкид-лайди. «Оқ уйнинг бу шарт-номага қилаётган ҳужуми, деб ёзади сўнгра газетета, яд-ро қуроли соҳасида йиғирма йил мобайнида ривож-этиб келинган ҳалқаро тағарбига қарши ҳужумнинг боёшлани-шидир.



Польшанинг электрон сано-ти экономикасини энг ёш тар-моқларидан биридир. Броц-лавдаги «Эльверо» электрон ап-паратуралари заводи маҳсулот-лари бошқа кўпгина мамлакат-ларда ҳам шукрат қозонмоқ-да.

СУРАТДА: тайёр маҳсулот-ларни кўздан кечириш пайти. ЦАФ-ТАСС фотоси.

НЬО-ЙОРК. Бугунги кунда АҚШ пойтахтида юз мингга-яқин киши парклардаги, вок-заллардаги скамейкаларда, метрополитен туннелларида ту-наб юришибди. Айни пайтда эса 6 мингта уй ихёрат дара-жада кинара ҳақи қимматлиги сабабли бўм-бўш турибди.

СУРАТДА: Нью-Йоркдаги бошланасиз одам. Е. Свешников фотоси. ТАСС.

Телетайп лентасидан

● ГАВР

Франциянинг деңиз соҳилидаги ана шу шахрида «Ленин-град билан Гавр биродарлашувининг 20 йиллиги»-тинчлик ва қуролсизлиш ишга қўйилган ҳисса» шiori остида ўтаёт-ган Ленинград ҳафталиги бошланади. Ҳафталик тадбирлари-да Ленинград шаҳар икрия комитетининг расми В. Я. Ходи-рев бошчилигидаги Қаҳрамон шаҳар делегацияси Ленинград ишчилар синфи ва зёилларининг вакиллари иштирок этади-лар. Ҳафталик доирасида «Европага ва бутун планетата тинч-лик» мавзусида семинар бўлади, ёшлар орасида «Сен Қаҳрамон шаҳар Ленинградни биласанми!» мавзу-да викторина ўтказилади. Гаврликлар Ленинград-нинг ҳозирги кунин, ленинградликларнинг фашизмга қар-ши олиб борган қаҳрамонона кураши тўғрисида ҳикоя қи-лувчи қўлдан-қўл виставалар билан танишади, Эрмитаж тўпламидан олинган асарлар экспозицияси ташкил этилади.

● НЬО-ЙОРК

БМТнинг космик фазодан тинч максалларда фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи комитетининг душанба кунин ошманг сессияси кун тартибига космик фазодан саябат қилиш йўлини — асосий масала қилиб қўйилди. 40-сессияда қабул қилинган резолюцияларда космос ҳарбийлаштирилишининг олдин олиш ва инсониятнинг унинг минг йилликка қадд-қўйиши арафасида космосдан факат тинч максалларда фой-даланиш асосий мuddао эканлигини Бош ассамблея ўқитиб ўтди. Совет Иттифоқи бу икки муштарак вазифани самарали ҳамда кенг миқёсда ҳал этиш тарафдоридир: биз «ядро-вий қирғинга олиб борадиган «самовий урушларга» тайёр-гарликни тўхтатиш ва унга «самовий тинчликни» барча дав-латларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан космик фазонин тинч максалларда ўзлаштиришни қарши қўйилишини изчиллик билан ёлқайверамиз, деди СССРнинг БМТ ҳузурида-ги доимий вакилининг биринчи ўринбосари Н. С. Сафрончук.

● ПАРИЖ

Франция Компартияси, мамлакатнинг ўн кучлар хавфига қарши амалда қурашиб, меҳнатташлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташаббусларини ўртага қўяётган ягона сиёсий куч-дир, — деди ФКП Бош секретари Жорж Марше бу ерда «Франц Энтэр» радиостанциясининг «ажамоатчилик билан юз-ма-юз» программаси орқали гапириб. Фақат Компартиягина ўн кучлар кабинети ўтказаетган сиёсатга зарба бермоқда. Марше маъмулларнинг ишсизлик қўлайишига, оммавий турмуш даражаси пасайиб кетишига олиб келадиган ҳақи-қаракатларини таъкид қилди. У ўн партияларнинг демокра-тик эркинликларга, шу жумладан касбага союз ҳуқуқларига ялпи ҳужум қилаётганига эътиборни қаратди.

ДИПЛОМАТИЯ

МУНОСАБАТЛАРИНИНГ

ЎН ЙИЛИГГИ

● МАНИЛА. СССР билан Филиппин Республикаси ўр-тасида 1976 йилнинг 2 ию-нида дипломатия муносабат-лари ўрнатилган пайтдан буён ўтган ўн йил мобайни-да самарали ривожланиётган ҳар томонлама Совет—Филиппин алоқалари Осиё-Тинч океан регионидеги сиёсий барқарорликнинг муҳим омил бўлиб хизмат қи-лмоқда. Филиппин ташқи ишлар министрлиги ўрин-босари Лютеция Шаххани хо-ним Манила жамоаттачилиги-нинг йиғилишида сўзга чи-қиб, ана шулар ҳақида га-пирди.

Инкала мамлакат ҳуку-матлари, деб таъкидлади у, икки томонлама муноса-батлар соҳасида тўғулган таърибдан янада ривожлан-тиришга Совет—Филиппин алоқаларини янги мазмун билан бойитишга ҳаракат қилишлари лозим. Прези-дент Корасон Акино бошчи-лигидаги Филиппиннинг ҳо-зирги матуриятини, деди Л. Шаххани, инкала мамлакат ўртасида таркиб топган илюция, дўстлик ва ҳамкор-лик муҳитини юксак дара-жада қилишга, Филиппин I томони Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқни, маданий алоқа-ларни кенгайтиришдан, икки томонлама амалий сиёсий мулоқотни йўлга қўйишдан астойдил манфаатдор экан-лигини намойиш этмоқда. Осиё қитъасида тинчликни сақлаб қолиш учун кураш йўлида СССР ва Филиппин-нинг биргаликдаги куч-ғай-ратлари ўтган ўн йилнинг муҳим ютуғи бўлди, д-деб ўқ-тирди Л. Шаххани.

Республикамизда пушкинхонлик кунлари



БАРХАЁТ
ШЕЪРИЯТ

Улкан адиб ва шоирлар ижоди ҳақида бир мақолада кенг тушуноча бериш қийин албатта. Бироқ агар улуғ Пушкин шеърини хусусида қисса ва лўда бир таъриф айтиш лозим бўлиб қолса, Сиз нима деган бўлардингиз?..

Республикамизда неча бошланган пушкинхонлик кунлари муносабати билан муҳбиримиз Ўзбекистон Лењин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир Омон Матжонга шундай савол билан мурожаат этди.

— Пушкин ҳамма халқларнинг буюк ва сукули шоиридир. Унинг шеърини қачон борақаманг, шу кунги ҳолатингизга мос туйғу топасиз. Шеърлари улғувор соддалиги, равон ва жангдорлиги билан сизни ром этаверади.

Улуғ шоир ҳақида гапириш яхши, албатта. Аммо гапиргандан кўра унинг асарларини ўқиб яна юз баробар яхши. Бу мулоқот сизни ҳайратлантиради, завқлантиради, яхши маънода курашга чорлайди.

Пушкин ижодида ўша давр воқеалари, ижтимоий қўтарилишлар катта таъсир қилган, албатта. Шоир халқ маданияти, тарихини чуқур билган, ўз шеърларида рус халқининг энг яхши жиҳатларини жамлаб, бетакрор ифодалаган. Улуғ шоир шеърларини ўқисангиз шарқона бир ҳайрат, завқ, нафосат кўрасиз. Мен қирқ афсонадан иборат «Ҳаққуш қичқирғи» китобини ёзаётганимда Пушкин халқ оғзаки ижоди, риоятларида жуда катта бир санъаткорона умумлашмалар қилган даҳо шоир эканлиги яна бир бор ишондим.

Қасбим тақозоси билан Пушкин қадам-жауларда бўлдим. Улуғ шоир кезган Россиянинг бепоян шаҳар ва қишлоқларида юрар эканман унга бўлган муҳаббатим яна кучайди. Шоир қаерда бўлмасин энг аввало, мавқеидан қатъий назар маърифатчи бўлиб танилган кишилар хонадонига қўнган. Ўша жойларнинг табияти аса иштини ҳайратга солаётган дарахда фусункор эди. Санъат маърифатчилар ҳисобига буюк деган бир ўй кечди кўнглимдан.

Кичи катта мавқеа тутиши, аммо маърифатчи бўлмаслиги мумкин. Пушкин эса оддий халқ ичида қиққан ана шундай санъат ва маданият тарбиятчиларини бир бир йўлаб чиққан, суҳбатлаган ва уларнинг дардини қўшиқ қилган.

Пушкин шеърлари шакл, оҳанг, ифода, мантқиқ мукамаллиги билан ўзгал. У ҳамма шеърларида улғувор бир зарбни сақлаб ўқувчини тўқинлантиради, ҳаяжонга сола-

ди. Худди улуғ Навоий ғазалларидек ўқилади у шеърлар. Бу нарсани унинг ҳамма жанрдаги асарларига тааллуқли.

Бир ўйлаб қарасангиз, ўша даврда машҳур шоирлар кўп бўлган. Бироқ Пушкин уларнинг ичида бир ёруғ юлдуздек алоҳида нур сочиб туради. Ҳамма халқлар уни бирдек севиб, улуғлаб «Пушкин бизники», дейди.

— Шу ўринда улуғ Пушкин тили— рус тили ҳақида, унинг аҳамияти хусусида гапириб берсангиз.

— Рус тили буюк тил. Унинг буюклиги шундаки, у барча тилларни ўзида мужасам этган, улардан нур олган. Тил қанча бой бўлса уни ўзлаштириш шунча осон бўлади. Рус тилини мукамал билан дейишнинг ўзи бир муболага бўлар. Уни бир умр ўрганиш мумкин ва лозим.

Дунё халқлари тилидан русчага таржима қилинган асарларни ўқиб чиқиш учун ҳам бу тилни ўрганасан арийдий. Айниқса, ёш қаламашлар учун бу буюк тил билан мулоқотнинг аҳамияти беқийс.

— Таниқли шоирларимиздан бири суҳбат чоғи «Пушкин шеърларини болалик пайтинг боладек завқланиб ўқийсан, кексалик пайтинг эса ўйланиб-ўйланиб мутулаа қилсан киши» деган эди...


— Ҳақиқатан ҳам шундай. Шеърят — биз оруз қилган шеърят ҳақида бизга ҳаммаслаб ва ҳамроҳ бўлиб қолади.

— Пушкинхонлик кунлари программасида қандай тадбирлар ўтказиш мўлжалланган?

— Шеърят байрами одатдагидай бир ҳафта давом этади. Тошкентдан бошланган бу байрам республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида адабий учрашувлар, мушоира кечаларига айланади. Пушкинхонлик кунлари бизга яна янги-янги номлар инъом этади деб умид қиламиз. Зеро, барҳаёт шеърят ҳақида навиқрон адабиётга замин тайёрлайди...

Суҳбатни
М. ЮСУПОВ ёзди олди.

Пушкин




Истак

Кунларим оҳиста судралиб ўтар: Мундоғ кўнглим учун ҳар зум беомон, Бевақф севиқ дардин орттириб кетар, Тентак ҳаёлларим қўзғар ҳаяжон.

Аммо сукутдаман, чиқмас фигоним; Инглайман, кўз ёшим мента овуноқ, Қайғу панжасида қолган бу жоним Шундан аччиқ нашта топади ҳар чоқ.

Ҳаёт дақиқаси! Уча бер, майли, Беҳуда ҳаёллар, йўқ бўл зулматда! Азиядир ишқининг азобли йўли, Майли ўлсам ўлай шу муҳаббатда.

1816.



1828.

Ер юзи аҳолиси

Улкан шаҳарлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли жойлашиши билан шуғулланадиган комиссиясининг маълумоти-га кўра 2000 йилда ер кўррасидаги энг кўп аҳолидашаҳар Мехико бўлиб қолар экан. Чунки бу шаҳар аҳолиси ҳозир йилига ўрта ҳисобда 3 ярим процентга ортиб бормоқда. Ҳозир Мексика пойтахтида 18 миллион аҳоли яшаётган бўлса, 2000 йилга бориб, бу улкан шаҳар аҳолиси 26 миллион 300 минг кишига етади.

Ер кўррасидаги иккинчи улкан шаҳар Бразилиянинг 24 миллион аҳолили Сан-Паулс бўлиб қолиши кутилмоқда.

Яхши фазилатлар

● Инсоний фазилатлар ичида энг яхшиси илм ва адабдир. Чунки бу иккови бебаҳо ҳазина ва сўнмайдиған чироқдир.

● Ўзгаларга қабиҳ кўринмайди десанг, ўзгаларга қабиҳ кўринган нарсалардан қоч.

● Чиройли адаб қидир, чунки у ақлнинг моддаси, муруватнинг асоси, хафа одамни шодликка етказувчи ва ёлғиз одамдан қайугамни кетказувчидир.

● Бир сўз одамни ерга кирғизиб, бахтини қаро қилади, бир сўз ўлими тириктириб, жон ато қилади, бир сўздан кўнгил ойнаси чил-чил синар, бир сўздан кўнгил ором топар, тинер.

Муҳаббат: Фазлининг гўёки кузга ўхшатдим, Сўзининг эшитдим— музга ўхшатдим. Йўқ, яна ойдиғроқ нфода қилсам, Ярага сепилган тузга ўхшатдим.

● Иброҳим ал-Хуросонийнинг «Наводир ал-фавойид» китобида ёзилди: «Чой руҳга қувват беради, юз рангини қизил қилади, бадан-

ни мулойимлаштиради, юрак, мия, ошқозон ва жигарга қувват ато қилади, иштаҳа очади, таомни тез ҳазм қилдиради».

Чой руҳга қуввати, иллатини ҳайдар, Юрағу қўлларга қувватини ҳайдар. Покиза ёшларик тўллар бир ерга, Чолларга ёшлардек ғайратни ҳайдар!

● Илгитда ғайрат-шикоат хайрати бўлса, эл ичра муносиб иззати бўлади. Илгит деганда мардликнинг эса мактовни бепоян. Восилий айтди:

Юз гузал бўлса нафис бўлмас ҳаёси бўлмаса,

Юз табиидан фойда йўқ яхши давоси бўлмаса.

Ҳар йигитни дема сен йигит анигинг ативорида,

Ҳар нафас эли учун жонинг фидоси бўлмаса.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

Турмуш чорраҳаларида

Минг узр

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики уни эслаганинг, ёдингга туширганинг сари ўзингни-ўзинг қойишинг, ўзингдан-ўзинг ўқинишинг, афсусланишинг орта боради. Шундай воқеалардан би-рини мен ақинда бошымдан кечирдим. Қандай воқеа дей-сизми? Мана, эшитинг.

Уша кунни мен Ўрдада, Анҳор ёқалаб кетган текис йўл-дан борардим. Яширишининг ҳолати йўқ. Ашаддий кекучи-ман. Хуморим тутиб қолди. Шошилиб чўнтагимдаги сигарет пакчасини олдим. Афсуски, унда битта ҳам сигарет қолма-ган экан. Ўзимни тугулмай, ғазаб билан беҳитиб сигарет пакчасини ёғимлаб ерга улоқтирдим.

Шу вақт нима бўлди дегн, рўпарамдан келатган қора сатиндан халат кийиб олган, элликлардан ошган кумуш со-ли фаррош онахон энгил ҳаракат билан, энгилб мен ташла-ган папирос пакчасини олдилар-де, уни ёнимдаги ахлат яшиқка ташдилар. Онахон папирос пакчасини яшиқка ташлар эканлар, ўқинч билан кўзларимга қараб қўйдилар. Ҳа, оддийгина, аммо юракни орзқитириб юборадиган бир нигоҳ билан тикилиб қўйдилар, холос. Бунинг ўрнига: «У-лим, чакки иш қилдингиз», деб дашном берганларида бал-ки мента анча энгил бўларимди дейман.

Мен эса, шу пайт қилишимда уэр ҳам айтолмадим. Онам тенги, онамдек меҳрибон, онамдек боқир аёлнинг мана шу ҳаракатлари, ўша ўқинчли орзқитириш кўз ўнгимга келтир-сам, ҳамон виждоним қийналади. «Уэр, минг узр, онахон, одоёсизлик қилиб қўйган нотаниш ўқингизни кечиринг», деб қалбимдан нидо қиламан.

Собит АБДУЛЛАЕВ.

Ҳаётини мўъжизалар

Беш эгизак тўйи

Польшанинг Гданск шаҳрида яшовчи Леонадий ва Бронислава Рихтерлар оиласини ҳамма яхши билади. Чунки бу оилада 15 йил аввал 5 эгизак: Агнешка, Эва, Адам, Пётр ва Роман туғилган эди.

Ҳозир бу беш она-ука эгизаклар шаҳардаги 15-мактаб-нинг 8-синфиди ўқияпти ва врачлар назоратида яхши ўсмоқда.

Ўн беш ёшга тўлган эгизаклар туғилган кунни Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ЦХР Давлат Кенгашининг раиси В.Ярузельскийдан табрик хати олишди.

Ўз касбининг устаси



Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамшаҳар-ларимиз кўнглидагидек хор-диқ чикарадиган хушманзара масканлардан бирига айлан-ган. Бу ерда «Ўз касбининг устаси» номи учун VII-шаҳар конкурси бўлиб ўтган кун-да йилгига қарамай, ёзи эстрада майдонига йилгилар-лар конкурсида сидқидиллар иштирок этишди. Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комсо-мол комитети, савдо Бош бошқармаси, област қасаба союзулари матбуот жамияти-рини тақдифига биноан сано-ат ва савдо корхонала-рининг вакиллари, мак-теб битирувчилари, ўтган кон-курснинг ғолиблари, бадий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчилари, шунингдек «Чиннигул» вокаль-инстру-ментал ансамбли бу ерга таъриф буюрди.

Биринчи бўлиб конкурсга сотувчиларнинг вакиллари тақдиф қилинди. Улар хари-дорларга қисқа муддатда за-монавий кўйлак ташлаша, витринани безаш ва буюм рекламасини зудлик билан бажариш ишини удалашлари керак эди. Сотувчи қизлар дастлаб қийналишди. Улар ушбу касбда ҳазилқашлик, муомаланинг нақадер зарур-лигини кўрсатиб беришди. Мазкур конкурс йилгиларла-да айниқса катта таъассурот қолдириди. Тошшабдиллар, шу-нингдек «Биз тинчлик учун» суратлар конкурсини ҳам ол-қишлар билан қўтиб олишди. Конкурс якуланганда унда «Тошкент» фирмасининг 16-магазини сотувчи Валенти-на Варганова ғолиб бўлгани аниқланди. Шундан кейин озик-овқатлар билан савдо қиладиган сотувчилар кон-курси бошланди. Ўз касбига меҳр кўйган сотувчи қизлар бу сафар ҳам маҳорат кўрс-атди. «Менинг касбим ва вақт» конкурсига Акмал Ик-ромов ва Октябр райпиш-чоторига қарашли 15 ва 45-магазинларнинг сотувчилари Надежда Абдурахимова ва Феруза Салимовалар ўзлари-ни кўрсатишди. Киров райпиш-чоторига қарашли 23-магазин сотувчиси Салима Баходирова эса савдога қўйилганлар шар-батларининг номларини хато-сиз айтиб берди. Уларнинг



барчаси конкурс ғолиби деб топилди.

Саҳнага товаршунослар кон-курси қатнашчилари тақдиф қилинади. Маълумки савдо со-ҳасида бу касб эгаларини иш-лаб бўлмайди. Товаршунош кенг қиррали билимга эга бў-лиши, харидорлар ҳаётининг мунтазам назарда тутиши ке-рак. Шунинг учун конкурс қатнашчилари контроль са-волларга аниқ жавоблар бе-риб, амалий операцияларни муваффақият билан удалаш-ди. Марина Николаева («Таш-обува» тоғи), Разно Фожева (ЦУМ) сингари товаршунош-лар, айниқса ўз билимларини очик-ойдин намойиш қилиш-ди. Улар сифатсиз тайёрлан-ган буюмларни ўзига хос йў-синда намойиш қилишганда йилгиларнинг олқишларига сазовор бўлишди. Бу кон-курсда «Болалар дунёси» ма-газинининг товаршуноши Та-ниса Қожихона энг кўп балл олди.

Биз қатнашчиларнинг бир нечасини гапга солдик:

— Сиз бунақа конкурсга яна келармидингиз?

— Ёмғир ёққанда ҳам ке-

лардим, — дейди бутун ои-ласи номидан Э. Абдуллаев. — Бу ҳам яхши дам олишнинг бир тури. Меҳнат қилишга ёрдам беради.

— Битирувчилар учун айниқ-са яхши. Касб ташлашга ёрдам беради, — дейди қулиб К. Борисова.

Мана ҳозир конкурсни кон-тролёр-кассирлар ниҳоясига етказишди. Бу конкурсда «Ташобува» тоғи қарашли 3-магазин контролёр-кассиря Гулнора Носирова ғолиб бўл-ди. Иккинчи ва учинчи ўрин-ларни эса Собир Раҳимов рай-пишчоторига қарашли 12-ма-газин вакили Ширин Қорабое-ва ва «Шуҳрат» мактаб-мага-зини контролёр-кассиря Камо-ла Жўраевалар эгалашди.

Конкурсда «Ўз касбининг ус-таси» номини олганларга қим-матбоҳо совғалар, шаҳар ком-сомол комитетининг дипломи ва фахрий ёрликларини ҳамда кўплаб гуллар тақдим этилди.

О. КОСТИКОВА.

СУРАТЛАРДА: конкурс-дан лавҳалар.

ТУРСОА ОЛАМ

● ЯНА БИР ТОПИЛМА

Археологлар бир неча ав-лодининг бир ярим аср мо-бодидида қўнб қилган қидиру-элиб бориш катта муваффа-қият билан амалга оширди. Қадим-ги Киев территориясида кўп-гина биноналарда эслатиб ўтилган Федоров монастыри-нинг пойдевори топилди. У 1129 йилда Владимир Моно-махининг ўғли— кичик князь Мстислав Владимирович то-монидан қурилган эди.

Олимлار тадқиқотлар ўтқа-зиш учун бой материалга эга бўлишди. Монастирнинг пой-девори билан бир пайтда па-стик, ўқинчи археологик қатламга дуч келинди. Бу шундан далолат берадики, қадимги Киев территориясида ибодатхона қурилишдан ан-ча олдин одамлар манзилгоҳи бўлган. Уй-жой ва ҳўналик би-ноларининг қолдиқлари, рўз-гор буюмлари, сопол идиш-лар, чироқлар, грек қўзалари ва Византия тангалари тарих-нинг ҳозиргача номаълум бўл-ган бир қанча саҳифаларини тўлдирдиша мутахассисларга ёрдам беради.

● АНДОРРАДА ЯНГИ ҚОНУН

Андорра князлиги Франция билан Испания оралиғида жойлашган. У зоқ вақтдан берки ички савдосига турли солиқлар солинмаган ягона мамлакат эди. Давлат бюд-жети асосан ҳорикдан кел-тирилган молларга солинади-ган бож ҳисобига тўлдир-ларди. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, мамлакатнинг қонун чиқарувчи органи — 50х кенгаш солиқ солиш системасини жорий этиш ҳа-қидаги дастлабки қонунни қўйишчи овоз билан тасдиқ-лади. Эндиликда банкилар, лехмонхоналар, суғурта агент-ликлар солиқ тўлайдиган бўлишди.



● ТОШБАҚА ТЕЗЛИГИ

Тошбақанинг айрим турла-ри одамлар ўйлаганидан анча тезроқ ҳаракатланади. Ай-ниқса, унинг сузда юрадиган эотлари серҳаркат. Масалан, қизил тошбақалар соатига 4 километр тезликда суза ола-ди. Бундай маълумотларни япон тадқиқотчилари тўплаш-ди. Улар сузда ва қуруқликда яшовчи тошбақаларга махсус датчиклар ўрнатиб, синов ўт-казишди. Яна шу нарсани аниқ-ландики, синаб қўрилаган жониворлар ҳар 20-30 минут-да нафас олиш учун сув юза-сига сузиб чиқибар, тоғида сув остида бир соатчага қо-либ кетишарди.

● ЖУМБОҚ ЕЧИЛМАДИ

Олимлар ҳамон бир жум-боқни еча олишмапти. Яъни, Тинч океанидаги Пасхи ороли аҳолиси 4—6 метрлик, оғир-лиги 40 тоннагача бўлган улкан ҳайкалларни ўзлари яшайдиган жойларга қандай ташиб келтиришган! Кўпгина фараз-ларга кўра, ёрдамчи иш қу-роли сифатида ёҳод ҳочалар-дан чана ёки галтак тарзида фойдаланган бўлиши мум-кин. Бироқ, оролда фақат бутал-лар билан қопланган дехрел-лар ўсмайди. Яна бир таҳмин пайдо бўлди: тош ҳайкаллари кўплаб одамлар бир томон-дан иккинчи томонга қайта-тиш (горч бочкани жойдан-жойларига қайта) йўли билан суриб келтиришгандир. Аслида қандай бўлган! Ҳозирча жавоб йўқ.



● ХИМОЛАЙНИНГ БАЛАНДИГИ

Непал ҳукуматининг Ҳимо-лай тоғларининг баландлигини янгидадан ўлчаб чиқиш ҳақида-ги қарорини бутун дунё аъ-лопинистлари зўр қизиқиш бил-лан кутиб олишди. Ўтказил-ган тадқиқотлар натижаси си-фатида рўйхат тайёрланди. Унда, чунончи, 122 та тоғ чўқ-қисидан 72 тасининг аниқ ба-ландлиги берилган. Дунёдаги энг баланд чўқи — Эверест-нинг баландлиги— 8.848 метр ўзгармишсиз қолди. Айрим қўшни тоғларнинг ўлчамларига эса 50 метргача тузатиш ки-рилди.



Саёҳат—роҳат

Поезд сафардан

Қайтди

Тошкент шаҳар туристлари-дан 370 киши Болтиқ бўйи са-фаридан қайтиб келди. Саё-ҳатини шаҳар туристик бюроси ташкил этди. Ушбу сафарда Улуғ Ватан уруши ветеранла-ри, меҳнат ветеранлари, пен-сионерлар, олимлар, врачлар, кекса санъат усталари ишти-рок эдилар. Сафаримиз қаҳ-рамон шахарлар— Ленинград, Минск, Киев, Брест бўйлаб ўтди.

Сафаримиз чоғида уруш ве-теранлари оҳангаронлиги А. Сулаймонов, тошкентлик С. Тежригалиев, С. Соколов, А. Моссева, меҳнат ветеранлари М. Назаров, В. П. Чкалов но-мидаги Тошкент авиация иш-лаб қикариш бирлашмаси вра-чи, пенсионер Х. Алимов, нек-са санъаткор М. Саидова ва бошқалар бор эдилар. 18 кун-лик сафаримиз қизиқарли ва мароқли ўтди.

Н. МУХИТДИНОВ, В. П. Чкалов номидаги Тош-кент авиация ишлаб қикариш бирлашмасининг меҳнат вете-рани.

«Пахтакор»нинг рақиблари



«ИСКРА» (Смоленск)

Смоленскда дастлабки рас-сий матчулар шу асрининг бош-ларида, Улуғ Октябрдан кейин ўтказилган эди. Ўшанда улар «Динамо», «Спартак», «Локомотив» каби ном билан турли тоифадаги муСОБАқаларда му-ваффақиятли катнашган.

«Искра» клуби 1965 йили ташкил этилган. Команда 1980 йилдан бошлаб биринчи лига-да ўйнаб келади. Смоленск-ликлар энг яхши натижага 1981 йили эришган — 7-ўрин.

«Искра» командаси биринчи лигада 1983 йили Ивановнинг «Текстильщик» командаси ус-тидан 6:1 ҳисобида йирик га-лаба қозонган. 1982 йили Львовнинг «Карпати» команда-сидан эса 0:5 ҳисобида маглу-бията учраган. Ўтган масум-

да «Искра» командасига бирин-чи лигада ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ўттиш турнирда курашишга тўғри келди. Бу турнирда у «Мелиоратор» (Чим-кент, 1:0, 2:0), «Динамо» (Брлск, 2:0, 3:1), «Геолог» (То-мень 2:1, 0:0), командалари билан бўлган баҳода муваффақия-т қозониб, биринчи лигада ўз ўрнини сақлаб қолди.

1985 йилги масумда «Пахта-кор» командаси билан «Ис-кра» тўрт марта учрашди. Унда қуйидаги натижалар найд этилган: Смоленскда: 0:0; 0:0, Тошкентда эса 1:0, 1:0. «Пах-такор» галаба қозонган (бирин-чи матчда тўғри А. Зейтулла-ев, иккинчисида эса Г. Дени-сов киритган).

Дам олиш соатида

«XIII чемпионат» чайнворди

1. Огоҳлантириш учун сариқ карточка или бор қўлланил-ган, чемпионат ўтказилган мамлакат. 2. XIII жаҳон футбол чемпионатининг биринчи тўп автори. 3. Биринчиликнинг даст-лабки учрашувини бошлаб берган Европа командаси. 4. Венгрия терма командаси дарвозасига тўртинчи тўпни киритган совет футболчиси. 5. Чемпионат бош мукофоти. 6. Чемпионатда қатнашаётган Шимолий Америка давлати. 7. Биринчиликда қатнашаётган мамлакатлардан бири. 8. СССР — Венгрия терма командалари учрашувидида биринчи тўп муаллифи. 9. Португалия терма командасининг ўйинчиси. 10. Жанубий Корея командасини маглубията учратган ко-манда. 11. Мехикодаги йирик стадион. 12. ФИФА президен-ти. 13. Чемпионатда иштирок этаётган Африка мамлакатни командаси. 14. Англия — Португалия матчининг ҳақами. 15. Яқин услублардан бири. 16. Португалия командасининг ҳимоячиси. 17. Таниқли инглиз футболчиси. 18. Мексика терма командасининг моҳир ўйинчиси. 19. Совет терма ко-мандаларининг раҳбарларидан бири.

Тузувчи: Ф. ГАФУРОВ.

31 МАЯДАГИ «БОЛАЛАРГА—ТИНЧЛИК»

1. Клуб. 2. «Бойчечак». 3. 14. Терим. 15. Металлом. 16. Котеночкин. 4. Най. 5. Яўло-шева. 6. Атлас. 7. Смит. 8. 19. «Восток». 20. Наптар. 21. Труба. 9. Атом. 10. Мақола. 11. Радио. 22. Отряд. 23. «Дустлик». ***

«Шанба оқшоми» саҳифа-даги кроссвордларга А. Аюбов, М. Топилов, С. Рашманов, Н. Қосимова, Р. Алиев, Х. Нурма-тов, Т. Холов, Н. Шоманмурод, К. Собирова, Т. Яўлошев ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомихонларга редакция та-шанкур билдиради.



Футбол

телехфталиги

ДУШАНБА, 9 ИЮНЬ

МТ I

9.50 ГФР— Шотландия терма командалари. 2-тайм.
10.35 Уругвай — Дания терма командалари. 2-тайм.
18.25 ГФР— Шотландия терма командалари (такрорий).
20.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
22.00 Уругвай — Дания терма командалари 2-тайм (такрорий).

01.00 Канада — СССР терма командалари.
СЕШАНБА, 10 ИЮНЬ

МТ I

10.05 Канада— СССР терма командалари.
11.35 Франция — Венгрия терма командалари. 2-тайм.
18.25 Франция — Венгрия терма командалари (такрорий).
19.50 Канада— СССР терма командалари.

ЧОРШАНБА, 11 ИЮНЬ

МТ I

10.45 Болгария— Аргентина терма командалари. 2-тайм.
18.30 Болгария — Аргентина терма командалари (такрорий).

ПАЙШАНБА, 12 ИЮНЬ

МТ I

10.45 Польша— Англия терма командалари.
20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
22.15 Польша— Англия терма командалари (такрорий).

20.45 Марокеш— Португалия терма командалари. 2-тайм.

ЖУМА, 13 ИЮНЬ

МТ II

10.20 Бразилия — Шимолий Ирландия терма командалари.
19.55 Бразилия — Шимолий Ирландия терма командалари (такрорий).

ШАНБА, 14 ИЮНЬ

МТ I

10.45 ГФР— Дания терма командалари.
18.25 Уругвай — Шотландия терма командалари. 2-тайм.
МТ II

14.40 Уругвай — Шотландия терма командалари. 1- тайм.

Муносиб рақиблар баҳси

Мексика кундалиги

Бунос диас! Пике сизларга Леондан салом йўлайди! Ассалому алайкум, дўстлар! Мен сизлардан ҳеч бўлмаганда бир кун кўз-кўз қилмоқчи бўлган байрамона либосинга эътиборингизни қаратишни истайман. Барчанинг тасдиқлашча, бу кийим менга жуда ярашган эмиш. Ҳозир Мексикада кунлар жуда иссиқ. Шунингдек, рамазий тимсоллик бурчим ҳам бир зум бўлсада бамайлихотир юришга имкон бермайди. Барчага яхши таниш, ҳамма ерде севимли ва ҳурматли Пике мақтанмоқчи эмас, асло. Фақат у ўзига содиқ қолиши керак.

Бугунги репортажга яна бир неча қизиқарли воқеаларга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Ирапуатодан 70 километр ва Мехикодан 383 километр оғирда жойлашган Леон шаҳрида пайшанба кунини роппа-роппа соат 12.00 да бўладиган Франция ва СССР терма командаларининг футбол матчи-га бу сафар мен ёлғиз оғилмадим. Бошқа машиналарга нисбатан айниқса менга ёқадиган олтинчи моделдаги «Леона» — «Жигули»да матчага янги дўстим — тошкентлик республикада хизмат кўрсатган тренер Исоқ Тошмухамедов ва сайёрамиздаги барча футбол мухлисларига яхши таниш жаҳон чемпиони, Англия терма командаси ва машҳур «Манчестер юнайтед» клубининг ярим ҳимоячиси Бобби Чарльтон билан биргаликда йўл олдик.

Дўстона суҳбатда бўлиб, вақт қандай ўтиб кетганини сезмай қолдик. Англияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатини эсладик. Ушанда икки Бобби— капитан Мур ва ярим ҳимоячи Чарльтонлар командаси илк бор олтин медални кўлга киритган эди.

Биз 1979 ва 1958 йилларда авиация ҳалокати туфайли ҳалок бўлган «Пахтакор» ва «Манчестер юнайтед» йигитларининг қайғули қисматини ёдга олган, анча пайт сукут сақладик. Ҳар икки команда юксак маҳорат чўққисига эди.

Киши қалбини ларзага солувчи футбол тарихининг қайғули саҳифалари... Шу дамда мен— Пикенинг миямга бир фикр келди, назаримда ёмон эмасми ўшайди: шу шаҳарлар газеталарининг, жумладан, «Тошкент оқшомининг» етакчилигида ҳалок бўлган командалар хотираси учун халқро турнир ўтказиш наҳотки мумкин бўлмасми?

— Уни кеч кузда ёки эрта баҳорда, яъни ўзининг оралигида, ҳеч бўлмаганда бу мамлакатлар чемпионатидаги танаффус пайтида навабт билан ўтказиш керак, — дейишди менинг фикримни қувватлаган Исоқ ва Бобби.

Леонга сафар пайтида коллектив равишда муҳокама этилган бу ташаббус назаримда катта аҳамиятга молик. Ававалмбор, бу инсонийликка хос эзгу ғазилатдир. Нима учун энди 1988 йилдан бошлаб шундай хотира турнирларини ташкил этиш ёки ўтказиш мумкин эмас?

рини ташкил этиш ёки ўтказиш мумкин эмас!

... Ва низоҳат «Леон» стадиони.

Мазкур матчи ёритиш ҳақида биз И. Тошмухамедов билан ўз муносибатида муҳокама эдик. Агар шарҳини Исоқ олиб бора жуда яхши бўларди, деган фикрга келдим Масалан Мексика терма командаси майдонга тушганда мен унинг ўйинига ҳар тарафлама тўлақонли баҳо беришим мумкин. Ҳатто, команданинг, айрим футболчиларнинг ўйинидаги ҳаттоларини қаттиқ танқид қилишим мумкин. Мехмонларга нисбатан эса бундай қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш анча ноқулай. Шундай қилиб, тошкентлик дўстимга: блокнотингизни очиб, фломастерни кўлга олда ишга кириш, дедим.

И. Тошмухамедовнинг мазкур ўйинга шарҳлари шундай: Қадрдон ҳамюртларим — ўзбекистонликлар (фурсатдан фойдаланиб Мексикадан сизларга алағали салом йўлайман), ўйлашганим, биринчи тайм ҳақида батафсил ҳикоя қилишга зарурат бўлмаса керак. Менинг эски ва қадрдон танишим Жена Майоров олиб борган репортажни телевизор экрани орқали ҳаммамизга кўргани бўлсангиз керак. Шу боисдан мазкур матч ҳақида баъзи бир мулоҳазаларингизни айтишчиман. Рақиблар бу муҳим беллашувга чиқар эканлар қандай мақсадни кўзлагандилар? Чемпионатнинг

кейинги босқичига чиқиш учун улар бу сафар ўзи эҳтиёт бўлишлари, ҳар қандай таваккалчиликдан ҳоли равишда қуратишлари лозим эди. Ахир венгерлар ва канадаликлар билан бўладиган ўларининг сўнгги матчида хатоларга йўл қўймасалар, бу ўйиннинг дурранг билан тугаши уларга, чемпионлик учун даъвогарлик қилиш ҳуқуқини берарди. Албатта, бунда группа ғолиби учун имконлик қилиш ҳуқуқини беринчи ўринни эгаллаган команда баъзи бир «тўсқиларни» четлаб ўтарди. Деярли 1/4, ҳатто 1/2 финалгача Бразилия, ГФР, Дания, Испания, Уругвай, Англия каби жаҳон футболининг кучли командалари бўлиб «тўқнашилмасди». Ростини айтганда, Мексикада умуман заиф рақиблар йўқ. Кейинги босқичда Италия, Аргентина сингари «нисбатан кучли» терма командалар йигитларимизга қарши туриши мумкин.

Шу боисдан ҳам ўчинчи гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб низоҳатда муҳим бўлиб, совет футболчиларига нисбатан французларнинг вазираси анча мушкулроқ эди. Чунки улар футболчиларимиздек кўп тўп киритишмаган.

Иккинчи таймда ўйин анча жонланди. Ававалгидек ҳимояга катта эътибор бериш давом этди— ҳар икки команданинг мудофасида 5—6 нафар ўйинчи йўнади. Рақиблар ўйинини бирмунча тезлаштирдилар. Бу СССР терма командасига бир



мунча кўл келди. Тўққизинчи минутда французлар ўз жерида майдончасида ҳимояни ташкил эта олмадилар ва Ва

силлий Рац бундан унумли фойдаланди. У тўғри қабул қилиб олган, шу заҳоти 28—30 метрлар чамаси масофадан дарвозага йўналтирди. Дарвозабон Батс, ҳимоячилар тўғри қайтара олмадилар—1:0.

Назаримда футболчиларимиз катта куч эвазига кўлга киритилган бу устунлик қадрига етишмади. Улар французларнинг ҳисобини тенглаштиришга осонлик билан йўл қўйиб бердилар. Ярим ҳимоячилар ва ҳимоячилар янгилишиши оқибатда Фернандес яқин масофадан жавоб тўғри киритди—1:1.

Платини ва Яремчук бу ҳисобни ўзгартиришлари мумкин эди, бироқ имкониятни бой бердилар. Дурранга рози бўлган командалар жуда зарчаланганли билан, ўйин охирини жуда бўш ўтказишди.

— Шундай қилиб, бугун айтмоқчи бўлган сўзларимнинг ҳаммаси шу, ҳурматли дўстлар! Сиз билан ҳам хайрлашман Исоқ Тошмухамедов. Аста ла виста!

Сизнинг ПИКЕ.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама



ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Аҳолига почта алоқаси хизмати кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш мақсадида

Қуйидаги формадаги анкетани тўлдиришингизни илтимос қиламиз:

Фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, уй адресингиз, телефон номерингиз.

Сизга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимининг номери

Алоқа бўлимининг иш режими сизни қониқтирадими? (ҳа, йўқ) қандай иш режими Сизни қониқтириши мумкин?

Иш вақтининг бошланиши соат танаффус соат

дам олиш кунин

Сизнинг адресингиз бўйича газета-журналларни элтиб беришларидан қониқиш ҳосил қиляпсизми?

(ҳа, йўқ)

Обуна бўлган газета-журналларни қайси вақтда олишни истайсиз?

Вақтини кўрсатинг

Кредитга 008 телефон орқали телеграммалар қабул қилиши (ҳа, йўқ), газета-журналларнинг элтиб берилишини 067 телефони орқали назорат қилиш хизмати мавжудлигини, вақтли матбуот органларининг элтиб бериши масаласи хусусида қаерга мурожаат қилиш кераклигини (ҳа, йўқ)

Биласизми?

Сизга вақтли матбуот органларини етказиб берувчи алоқа бўлимининг олти рақамли индексини биласизми, бу ҳақда ўзингиз ёзишмалар олиб борувчи кишиларга маълум қилдингизми?

(ҳа, йўқ).

Конвертларнинг 114х162; 162х229; 229х324 миллиметрли стандарт шакллари мавжудлигини биласизми ва мантибларни жўнатишда улардан фойдаланасизми? (ҳа, йўқ).

Анкета саволларига жавобларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: 700000, Тошкент шаҳри-П, 1-Май кўчаси, 7-уй. Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

Ўзбекистон туризм ва экскурсиялар республика советининг



ТУРИСТИК-ЭКСПУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ

«ШОХИМАРДОН». 301-САМАРҚАНД МАРШРУТИ БУЙИЧА

Саёҳатга таклиф қилади

«Шоҳимардон» туристик базаси Ўзбекистоннинг Фарғона областидаги Ҳамзаобод посёласида, дегиз сатҳидан 1560 метр баландликда жойлашган.

Туристтик базанинг тоғликлардан иборат кенгликлари бениҳоя гўзал, у ерда арча, қайин, рябина, зирк, облепиха, дўлана, наъматақлар ўсади. Маҳаллий ҳайвонот олами ҳам жуда бой ва хилма-хиллиги билан ажралли туради. Туристтик базадан унча узоқ бўлмаган масофада Зангори ва Яшил кўл жойлашган.

Туристтик базада дам олувчилар учун Зангори ва Яшил кўл соҳилларига сайллар, «Олой зумрадлари», «Очиқ осмон остидаги дорихона» экскурсиялари, Олой доволари бўйлаб турли

«ГАНГА» МАГАЗИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳиндистонда тайёрланган молларни сотиш бўйича Иттифоқда иккинчи, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган

«Ганга» магазини

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ҲАМИША ТАЙЕР



Сиз «ГАНГА»дан сотиб олишингиз мумкин бўлган кўйлақлар ва костюмлар модабон ва чиройлидир. Бу либослар ўзига хос чиройли безаклар билан тикилган. У нафис ил газламалардан тайёрланган бўлиб, саратоннинг жазирамали кунларида ҳам кишини иситиб юбормайди.

Сиз «Ганга» магазинидан ярим асл ранг-баранг тусли ва сидирғар рангли тошлардан ишланган маржонлар ва тақинчоқларни

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Ҳинд усталари қадимий ҳунарамандчилик аъёналари руҳида ишлаган вазалар, шамдонлар сизнинг квартирангиз жавонларини безайди.

Магазин адресини эслатамиз: Тошкент шаҳри, Марказ—14 квартал, 1/2-уй, «Ганга».

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

«ТАШКЕНТИЛЬШЕИТОРГ» (телефон 78-72-42).

Муаттар исли атирлар



Тошкент парфюмерия-косметика фабрикасининг «Ханум» ва

«Тоҳир ва Зухра» атирларининг ҳиди енгил, дурқун ва барқарорлиги билан ажралиб туради.

Бу атирлар чиройли безакланган қутчаларга солиб чиқарилмоқда.

Тошкент парфюмерия-косметика фабрикаси

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ

бирлашмасининг Ўзбекистон реклама

агентлиги (телефон 45-37-27).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗГЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТАТТА ТЕАТРИДА — 7/VI да Чно-Ч-Чно-Сан, 8/VI да Инсон овози (кичикки саҳнада, 17.15 да), Тўмарис (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗГЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/VI да Шайтон ва мурдадлар, 8/VI да Ўзланган торлар.

КИНО

7 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГУЗАЛЛИК САЛОНИ» — Қозоғистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Нукус (тоқ 4 соатларда, телефон 46-70-69).

«САКРАШ» — Фестиваль (21.13.30).

«ДАРҒАЗАБ АНЖЕЛИКА» — 1-Хи-ва (22.00).

«БОББИ» — Тинчлик (16, 18.30.30, 21.00).

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда).

«ИЛОН ТУТУВЧИ» — Исскра (жуфт соатларда, телефон 39-9-14-59).

«222-РЕЙС» — Ўзбекистон С ССР 25 йиллиги (жуфт соатларда).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва «МУЗ УСТИДА ЦИРК» коллективининг хайрлашув тас-троллари (19.30 да).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ

МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

7, 9 июнь соат 19.30 да

ПРЕМЬЕРА

Р. Н. ГУНТЕКИН

асари

М. ҲАКИМОВ

таржимаси

М. МАҲМУДОВ

музикаси

Ж. ЖАВБОРОВ

шеърлари

«ҲИЙЛАИ ШАЪРИЙ»

(2 пардали ҳажвий музикали комедия).

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Б. А. ИХТИЕВОВ.

Дирижёр—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Х. ХАЛИЛОВ.

Рассом — А. Г. ЖИБОДОВ. РОЛЛАРДА

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Б. ИХТИЕВОВ, Ҳ. ШАРИПОВ, М. ИХТИЕВОВА;

Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати — М. КАРИМОВА;

Артистлар: Ф. АҲМЕДОВ, Т. БЕҒНАЗАРОВ, Г. НОСИРОВА, С. РАҲИМЖОНОВ, Р. МАЎДИЕВ ва бошқалар.

«ПАХТАКОР»

МАРКАЗИЙ

СТАДИОНИДА

СССР биринчилиги учун 7 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА

«ПАХТАКОР» (Тошкент) —

«ИСКРА» (Смоленск)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» Марказий

стадион кассаларида олдиндан


билет сотиш ташкил этилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашри. Ташкил Мехнат Қизил Байроқ ордени босмаханаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

горкома



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; сановат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар ҳўналғи ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.